

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ
КОДЕКСИГА
ШАРҲЛАР**

Салоҳиддин Саҳаддинов

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ
КОДЕКСИГА
ШАРҲЛАР**

УМУМИЙ ҚИСМ

(илмий-амалий шарҳ)

Тошкент
"Янги аср авлоди"
2014

УЎК:343.13(575.1)(094.4)

КБК:67.411(5ў)

С-35

Сахадинов, Салоҳиддин

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 592 б.

ISBN 978-9943-27-322-1

Масъул муҳаррир:

Б.Х.Пўлатов

юримдик фанлар доктори, профессор

Такризчилар:

З.Ф.Иноғомжонова, юримдик фанлар доктори, профессор

Г.З.Тўлаганова, юримдик фанлар доктори

Д.М.Миразов, юримдик фанлар номзоди

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси Умумий қисмига тайёрланган мазкур илмий-амалий шарҳда мазкур қонун ҳужжатиға сўнги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатға олган ҳолда, уларни ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги амалий тағбиғини ўрганиш натижаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур шарҳда ЎзР ЖПК нормалари мазмуниға киритилган сўнги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти жиноят-процессуал ҳуқуқи фани ва назариясидаги сўнги янгиликлар ва ютуқларни ҳисобға олган ҳолда очиб берилган.

Мазкур шарҳ Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ўрганилиб шарҳ комплекс тарзда, тизимли равишда илмий-тағқиқот қоидаларига риоя қилинган ҳолда ишлаб чиқарилганлиги кўрсатилган (2014 йил 21 апрелдаги 11–108–14–сонли хат).

Ушбу шарҳ суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, тағқиқотчилар, ҳуқуқшунослик йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

УЎК:343.13(575.1)(094.4)

КБК:67.411(5ў)

Ушбу Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси Умумий қисмиға шарҳлар (илмий-амалий шарҳ) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Илмий-ўқув маркази ўқув-услугий кенгашида 2014 йил 9 июнда муҳоқама қилинган (6-сонли баённома) ва нашр этиш учун тавсия этилган.

ISBN 978-9943-27-322-1

© С. Сахадинов. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг биринчилардан бўлиб, 1994 йил 22 сентябрда 2013-ХП-сонли Қонун билан жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи демократик ва инсонпарвар ғояларни ўзида мужассам этган янги Жиноят-процессуал кодексини қабул қилди ҳамда 1995 йил 1 апрелдан эътиборан уни амалга киритди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида жиноят-процессуал муносабатларнинг алоҳида жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бир қатор махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги ҳам мамлакатимизда жиноят-процессуал соҳанинг норматив-ҳуқуқий асослари янада барқарорлашувиغا хизмат қилди.

Хусусан, 1996 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни, 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”, 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида” (янги таҳрири), 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида” (янги таҳрири), 2010 йил 1 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”, 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида” ҳамда 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим нормаларини кенгайтирилган ҳолда шарҳлашга ва қўллашга хизмат қилмоқда.

2014 йил июн ҳолатига қўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жами 52 мартаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, сўнгги йилларда киритилган бир қатор муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти етарлича очиқ берилмаганлиги ўз навбатида ушбу нормаларни тўғри ва самарали қўллаш мақсадида мазкур кодексга шарҳ тайёрлаш заруриятини тақозо этмоқда.

Мазкур шарҳни тайёрлашда ЎзР ЖПКга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб беришга ҳамда уларни амалиётда қўллаш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Муаллиф

Фойдаланилган қисқартмалар рўйхати

ЖИК – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси

ЖК – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

ЖПК – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси

ИИВ – Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги

МЖТК – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

МК – Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси

МХХ – Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати

ФК – Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси

ФПК – Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси

ХПК – Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ¹

Ўзбекистон Республикасининг 22.09.1994 й.
2013-ХП-сон Қонун билан тасдиқланган
01.04.1995 й.дан эътиборан амалга киритилган

УМУМИЙ ҚИСМ

БИРИНЧИ БЎЛИМ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1-модда. Жиноят ишларини юритиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек, фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

Ушбу моддада белгиланишича, жиноят ишларини юритиш тартиби мазкур кодекс билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилловчи муқобил қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Жиноят ишларини юритиш тартиби фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади.

Аксарият мамлакатлар сингари юртимизда ҳам жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати кодекс шаклида қабул қилинган. Бу кодекснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури сифатидаги ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Маълумки, кодекс – бугунги кунда жорий қонунларнинг асосий ва муҳим турларидан бири бўлиб, қонунчилик тармоқларида интеграция функциясини бажаради, қонунчилик тармоқлари ўртасидаги тизимли алоқалар манбаи сифатида хизмат қилади. Кодекснинг давлат учун аҳамияти унда ўзаро ички мувофиқлашган ҳуқуқий нормалар тизими мужассам бўлиши билан белгиланади.

Кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги норматив мажмуани ифодаловчи, жамловчи қонундир. Кодекс унга киритилган ҳуқуқий нормаларнинг мантиқий боғлиқлиги ҳамда мутаносиблиги, ҳуқуқ тармоғига ва қонунчилик соҳасига монанд тизимли жойлаштирилганлиги билан оддий қонунлардан устун туради².

Шу маънода жиноят ишлари юритуви тартибининг ҳам кодификациялашган норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиниши ушбу муносабатларда тезкорлик, аниқлик ва тизимлиликни таъминлайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 2-сон, 5-модда.

² Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2010. – Б. 125.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, кодекслар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тасдиқланади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳам Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

ЖПКда белгиланган барча қоидалар норматив хусусиятга ҳамда қонун кучига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди доирасида бир хилда қўлланилади. Шунингдек, унда белгиланган жиноят ишларини юритиш тартиби барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда фуқаролар учун ягона ва мажбурий хусусиятга эгадир.

2-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

Мазкур моддада жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тўртта асосий вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалар қонунда ниҳоятда аниқ ва тизимли ифодаланган бўлиб, у қуйидагилардан иборат:

биринчидан, жиноятларни тез ва тўла очишни таъминлаш – бу жиноят ишини юритувчи ва жиний таъқибни амалга оширувчи суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органлари, шунингдек, суднинг содир этилган жиноят ҳолатига оид ЖПКда белгиланган ҳолатларни аниқлашга қаратилган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жиноятларни тез ва тўла очишни таъминлашда ЖПК 82-моддасига мувофиқ, айбланиш ва ҳукм қилиш учун асослар – жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги; жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари; айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар аниқланади;

иккинчидан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилишини таъминлаш – яъни, айбланувчи томонидан содир этилган қилмишнинг ҳамда жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлган, шунингдек, жазо тайинлашнинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо чорасини тайинлашини таъминлайди;

учинчидан, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишни таъминлаш – яъни, жиноятни содир

этишда ҳаққоний айбдор бўлган барча шахсларни, шу жумладан, жиноятнинг барча иштирокчиларини ва унга дахлдор шахсларни аниқлашга қаратилган;

тўртинчидан, қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш – яъни, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг суд-тергов органлари фаолиятига тўғри – қонунга мос, мазмунини бузмаган, торайтириб ёки кенгайтириб шарҳламаган ҳолда, кўрсатилган вазиятларда айнан қўлланилишини англатади.

Ушбу модда иккинчи қисми мазмунидан англашилишича, жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби уч мақсадга хизмат қилади:

биринчидан, қонунийликни мустаҳкамлашга – яъни, жиноят ишларини юритишда Конституция ва қонунларнинг устунлигини эътироф этишга, шунингдек, жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошираётган мансабдор шахслар – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья фаолиятида қонунларга оғишмай ва қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилганлигини, хусусан, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал нормаларни қўллашда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг шахсни гумон қилиш, айблашда, судьянинг эса ҳукм чиқаришда ўз ихтиёрига қараб иш кўриш чегараси қонун билан аниқ тартибга солинганлигини англатади;

иккинчидан, жиноятларнинг олдини олишга – яъни, судланувчи ва бошқа шахсларга ахлоқий-руҳий таъсир кўрсатиб, улар томонидан янги жиноят содир этишининг олдини олишга хизмат қилади;

учинчидан, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга – жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари жиноят туфайли зарар ёки зиён етган алоҳида шахслар, давлат ёки жамият манфаатларини ҳимоя этишга, шу жумладан, етказилган моддий ва маънавий зиённи қоплашга хизмат қилади.

Шахс манфаатлари – бу жамият ва давлат билан алоқаларидан алоҳида олиб қаралувчи ҳар бир инсон манфаатларидир. Шахс манфаатлари Жиноят кодекси 2-моддасига асосан, муҳофаза объекти сифатида тан олинади.

Шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари ҳам ЖПК томонидан ҳимоя этилиши белгиланган. Жамият ва давлат манфаатлари шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидан келиб чиққани ҳолда, бир инсоннинг эмас, балки яхлит ҳолда аҳолининг манфаатларини акс эттиради ҳамда жамият ёки давлат учун ҳам алоҳида бир субъект учун ҳам муҳим бўлган ҳуқуқларни ифодалайди.

Жамият манфаатлари – маълум бир умумий манфаатлари, ўзаро муносабат ва маданиятига кўра жипслашган ҳамда фуқаролигига ёки бошқа мезонларга (жинси, ирки, миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва ҳ.к.) алоқасидан қатъи назар республиканинг бутун аҳолиси учун муҳим бўлган кадриятлар – жумладан, ахлоқ, маънавият, иқтисодий ва ижтимоий асослар, ҳулқ-атвор қоидалари ва бошқалар тушунилади.

Давлат манфаатлари – жамиятга татбиқ этиладиган, унинг расмий вакили сифатида чиқадиган ва мажбур қилиш воситалари ва тадбирларига таянадиган оммавий ҳокимият ташкилоти бутун жамиятнинг эмас, балки унинг маълум тарзда сиёсий уюшган қисмини ифодаловчи манфаатлардир.

Шарҳланаётган модданинг мазмунига мувофиқ, давлат деганда уни ташкил этувчи органларини эмас, балки Ўзбекистон Республикасини **яхлит** тушуниш керак.

Давлат манфаатлари деганда унга жамият томонидан юклатилган вазифа ва функцияларни ижро этиш учун мавжуд бўлиши зарур ҳаётининг ўта муҳим эле-

ментлари, жумладан, ҳуқуқ-тартибот, бошқарув тартиби, сиёсий барқарорлик, ҳокимият органларининг фаолият юритиши, суверенитет ва бошқалар тан олинади.

3-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши

Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг қўлланилиш ҳудудий доирасини белгилайди. Мазкур норма ҳудудийлик таъминлини – яъни, жиноят иши юритуви қайси давлат ҳудудида амалга оширилаётган бўлса, ўша давлатнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари қўлланилиши принципини ифода этади.

Давлат ҳокимиятининг суверенитетлик принципига асосланган ҳолда ҳудудийлик принципи ҳуқуқ соҳасининг жиноят-процессуал соҳасида ҳам ўз аксини топган. Унга кўра, давлат ҳокимияти унинг ҳудудий масофалари билан чегараланган ва унинг қонунлари ҳам шу чегаралари доирасида амал қилиши лозим.

Жиноят содир этилган жой – кенг маънода олганда мамлакатнинг чегараси билан белгиланган қуруқлик, сув ва ҳаво ҳавзаси назарда тутилади. Жиноят ишларини юритиш жиноят содир этилган жойдан қатъи назар иш юритуви амалга оширилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

Шарҳланаётган моддага биноан, жиноят ишини юритиш процессуал ҳаракат амалга оширилаётган ёки процессуал қарор қабул қилинаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади. Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган барча шахсларга нисбатан жиноят иши юритуви улар чет эл давлати фуқароси ёки фуқаролиги йўқ шахслар бўлишидан қатъи назар фақат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси бўйича амалга оширилади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланган бўлса ёхуд жиноят чет элда ёки бошқа давлат манфаатларига қарши содир этилган бўлса, халқаро шартнома ёки ўзаролик принципига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишлари юритуви халқаро ҳужжат ёки хорижий давлат жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

4-модда. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ажнабий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши

Ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексга мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Ажнабий фуқаролар – Ўзбекистон Республикасидан ташқари бошқа бир хорижий давлат билан мустаҳкам ҳуқуқий боғланишга эга бўлган, тегишли давлатга нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда унинг суверен давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган жисмоний шахслардир.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларга нисбатан иш юритиш ушбу шахслар мансуб бўлган давлат эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига асосан амалга оширилади. Ушбу қоида давлатнинг ўз ҳудудида суверен ҳокимиятни амалга ошириши ва мазкур давлат чегаралари доирасида фақат унинг олий органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилиши тамойилига асосланади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидан ҳудудийлик принципини қонуний истисно қилиш ҳолатларини белгилайди. Унга кўра, иммунитетга эга бўлган шахсларга:

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги тўрт тоифа чет эл фуқаролари иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин: чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхона ходимлари; чет эл давлатларининг консуллик ваколатхона ходимлари; халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар ходимлари; чет эл давлатларининг бошқа вакиллари.

Дипломатик ваколатхона ходимлари – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шундай мақомга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат берилган ваколатхона бошлиғи ва ваколатхона аъзоларидир. Ваколатхона шахсий таркиби аъзолари – бу аввало, дипломатик ходимлар, ваколатхонанинг маъмурий техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари. Дипломатик ходимлар қаторига шунингдек, дипломатик (мақом) рангга эга бўлган ваколатхона ходимлари киради.

Иммунитетга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми масалаларига “БМТнинг имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисида”ги Конвенция 4-моддаси 11-бўлимнинг “а”, “б” бандлари, 5-моддаси 18-бўлимнинг “а” банди, 6-моддаси 22-бўлимнинг “а”-“с” бандлари (1946 йил 13 февраль, Нью-Йорк), “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция III моддасининг 4-6-бўлимлари, V моддаси 13-бўлимнинг “а”, “б” бандлари, 14-бўлими, VI моддаси 19-бўлимнинг “а” банди (1947 йил 21 ноябрь, Вашингтон), “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 3-моддаси, 11-моддасининг 1-банди, 17-моддасининг 1-банди, 18-моддасининг 1, 2-бандлари (2004 йил 17 июнь, Тошкент) ва бошқа халқаро ҳужжатлар бағишланган.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1657> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1657> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1657>